I. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 20417,1 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 101,5 фоизни, шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 7607,3 млрд. сўмни (102,4 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 12301,3 млрд. сўмни (101,5 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган ҳизматлар ҳажми 135,2 млрд. сўмни (57,4 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 58,9 млрд. сўмни (101,3 фоиз), овчилик хўжалигида 0,2 млрд. сўмни (102,5 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 314,2 млрд. сўмни (103,2 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) ҳажмининг тақсимланиши, фоизда



2019 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Нишон (111,2 фоиз), Чироқчи (106,3 фоиз) ва Қамаши (105,3 фоиз) туманларида кузатилди. Китоб туманида (94,0 фоиз), Шаҳрисабз (95,3 фоиз) ва Миришкор (96,4 фоиз) туманларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Чироқчи туманининг улуши 12,3 фоизни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Косон туманида 9,9 фоиз, Қамаши ва Қарши туманлари мос равишда 9,1 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади, энг кам улуш Қарши шаҳар (0,7 фоиз) ва Шаҳрисабз шаҳар (0,9 фоиз) туманларида қайд этилди.

2019 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

	млрд. сўм	*ўсиш суръати %*
Вилоят бўйича:	**20417,1**	**101,5**
шаҳарлар:		
Қарши	140,9	100,3
Шаҳрисабз	181,8	102,6
туманлар:		
Ғузор	1245,2	103,5
Деҳқонобод	880,2	103,1
Қамаши	1857,9	105,3
Қарши	1857,1	101,9
Косон	2022,1	101,7
Китоб	1750,5	94,0
Миришкор	1351,0	96,4
Муборак	935,1	102,3
Нишон	1216,7	111,2
Касби	1606,7	100,4
Чироқчи	2522,7	106,3
Шаҳрисабз	1406,5	95,3
Яккабоғ	1442,7	101,5

2019 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



ДЕҲҚОНЧИЛИК

2019 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 7607,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,4 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 38,2 фоизни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2019 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 491754 тонна сабзавот (99,2 фоиз), 171545 тонна картошка (99,4 фоиз), 163694 тонна озиқбоп полиз (109,3 фоиз), 170819 тонна мева ва резаворлар (94,8 фоиз), 96616 тонна узум (99,7 фоиз) йиғиб олинди. Бундан ташқари 964261 тоннадан ортиқ дон экинлари (120,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2019 йилнинг январь-декабрида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*
Пахта	235847	99,7	-	-	14529	5,6 м.
Дон	823208	124,6	130199	100,7	10854	103,4
Картошка	26888	94,7	144074	100,3	583	96,8
Сабзавотлар	126419	96,9	361100	100,2	4235	85,0
Полиз	75333	111,8	87094	105,9	1267	7,0 м.
Мевалар ва резаворлар	98332	89,5	70208	103,1	2279	100,9
Узум	43360	93,4	50959	106,8	2297	82,4

2019 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Сабзавотлар (*тонна*)



Мевалар ва резаворлар *(тонна)*



ЧОРВАЧИЛИК

Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2019 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 12301,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 61,8 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,9 фоиз (жами 1598,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,3 фоиз (530,3 минг бош), қўй ва эчкилар 100,3 фоиз (4614,2 минг бош), отлар 101,7 фоиз 32,6 минг бош), паррандалар 105,5 фоизни (6558,9 минг бошни) ташкил этди.

2020 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	*ўсиш суръати, %*
Йирик шохли қорамол	**1598,5**	**100,9**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	70,5	104,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1506,4	100,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	21,6	100,5
улардан сигирлар	**530,3**	**100,3**

	минг бош	*ўсиш суръати, %*
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	25,3	103,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	499,3	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,7	100,0
Куй ва эчкилар	**4614,2**	**100,3**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	276,1	103,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4094,6	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	243,5	95,9
Отлар	**32,6**	**101,7**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	3,3	101,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	28,1	101,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,2	100,6
Паррандалар	**6558,9**	**105,5**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	313,0	84,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4279,6	111,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1966,3	97,6

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,2 фоизни, фермер хўжаликларида 4,4 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 94,2 ва 4,8 фоизни, қўйлар ва эчкилар 88,7 ва 6,0 фоизни, паррандалар 65,2 ва 4,8 фоизни ташкил қилди.

2020 йил 1 январь холатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар *(минг бош)*



шу жумладан: **сигирлар** *(минг бош)*

Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*



Паррандалар *(минг бош)*



2019 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 294,7 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 101,9 фоиз), 1148,1 минг тонна сут (101,5 фоиз), 549760 минг дона тухум (93,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,9 фоиз, сут ишлаб чиқаришда 99,5 фоиз, тухум ишлаб чиқаришда 66,7 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	миқдори	***ўсиш суръати, %***
Гўшт (тирик вазнда), *минг тн.*	**294,7**	**101,9**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	6,5	113,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	285,0	102,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,2	80,0
Сут, *минг тн*.	**1148,1**	**101,5**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	29,5	107,0

	миқдори	*ўсиш суръати, %*
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1112,9	101,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,7	97,2
Тухум, *млн. дона*	**549,8**	**93,8**
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	15,8	90,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	351,0	102,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	183,0	80,5

2019 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт *(минг тонна)*



Сут *(минг тонна)*



Тухум *(млн. дона)*



Фермер хўжаликлари. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 4894,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 101,8 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 24,6 фоизни ташкил этди. Деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 4578,9 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 101,3 фоизни, чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 315,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 109,7 фоизни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2019 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлар томонидан 823208 тонна дон экинлари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (124,6 фоиз), 126419 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (96,9 фоиз), 26888 тонна картошка (94,7 фоиз), 75333 тонна озиқбоп полиз (111,8 фоиз), 98332 тонна мева ва резаворлар (89,5 фоиз), 43360 тонна узум (93,4 фоиз) етиштирилди.

2019 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	2018 йил январь-декабрь		*2019 йил январь-декабрь*		*2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*
	тонна	*ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз*	*тонна*	*ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз*	
Картошка	28386	16,4	26888	15,7	94,7
Сабзавот	130433	26,3	126419	25,7	96,9
Полиз	67360	45,9	75333	46,0	111,8
Мева	109910	61,0	98332	57,6	89,5
Узум	46447	47,9	43360	44,9	93,4

Январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари



Чорвачилик. 2019 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 6485 тонна гўшт (2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 113,7 фоиз), 29458 тонна сут (107,0 фоиз), 15808 минг дона тухум (90,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари

	2018 йил январь-декабрь		*2019 йил январь-декабрь*		*2018 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*
	тонна	*ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз*	*тонна*	*ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз*	
Гўшт	5704	2,0	6485	2,2	113,7
Сут	27524	2,4	29458	2,6	107,0
Тухум, минг дона	17504	3,0	15808	2,9	90,3

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 70,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 25,3 минг бош сигир, 276,1 минг бош қўй ва эчкилар, 3,3 минг бош от, 313,0 минг бош паррандалар мавжуд.

2019 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари